иккинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

113 ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиш ва қушимчалар киритиш туррисида

Қабул қилинган қарорларга мувофиқ Ӱзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт Жамғармаси фаолиятининг норматив-хуқуқий базасини тартибга солиш мақсадида:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт Жамғармасини ташкил этиш тўгрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сон Фармонига иловага мувофик ўзгартиш ва кўшимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

и. каримов

Тошкент ш., 2012 йил 9 март, ПФ-4430-сон

> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 мартдаги ПФ−4430-сон Фармонига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сон Фармонига киритиладиган ўзгартиш ва қушимчалар

- 1. 2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Ўзбекистон Республикаси Хукумати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги орқали Жамғарманинг муассиси ҳисобланади».
 - 2. 3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

113-114-моддалар

— 6 —

11 (511)-сон «давлатнинг Жамғармага йўналтириладиган молиявий маблағларини

жамлаш». 3. 4-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

4. 1-илова ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.